



УДК:72.03

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21882950>

ЗАМОНАВИЙ МАСЖИД ЛОЙИХАЛАРИ ЁШЛАР НИГОҲИДА

КИУТ доценти, Ш. Р. БОБОЁРОВА

Ушбу мақолада масжид биноларини архитектуравий лойиҳалашида эътибор бериладиган жиҳатлар ва масжидларнинг шаклланиши тўғрисида ёритилган. Масжидларнинг бугунги кундаги аҳамияти, айниқса замонавий масжидларга бўлган талаб, замон билан ҳамнафас тарзда ташиқ қилиш бўйича масжид учун берилган тақлиф лойиҳа орқали кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Гумбаз, минора, миллий услуб, замонавий услуб, диний меъморчилик, меҳроб, таҳоратхона.

В данной статье освещены аспекты, на которые следует обращать внимание при архитектурном проектировании зданий мечетей, а также вопросы формирования и развития мечетей. Рассмотрено современное значение мечетей, в особенности растущая потребность в современных мечетях. На примере предложенного проектного решения для мечети показаны подходы к её организации в соответствии с требованиями времени и современными тенденциями.

Ключевые слова: Купол, минарет, национальный стиль, современный стиль, религиозная архитектура, михраб, место для омовения.

This article discusses the aspects that should be considered in the architectural design of mosque buildings, as well as the formation and development of mosques. It examines the contemporary significance of mosques, particularly the growing demand for modern mosque facilities. Through a proposed mosque design project, the article demonstrates approaches to organizing and designing a mosque in harmony with the requirements of the present time and modern trends.

Keywords: Dome, minaret, national style, contemporary style, religious architecture, mihrab, ablution area.

I. КИРИШ

Мусулмон жамиятининг энг муҳим меъморий иншоотларидан бири бу масжид ҳисобланади. Замон талабига мос, қулай шароитларга эга бўлган биноларга талаб кундан кун кучайиб бормоқда. Шу боисдан бугунги кунда замонавий масжидлар сони ҳам ортиб бормоқда. Масжид нафақат ибодат маскани, балки маънавий-маърифий марказ сифатида ҳам фойдаланиб келинади. Масжидларни лойиҳалаш жараёнида бинонинг қулайлиги, инсонлар оқими, сифими, жойлашуви, эстетик гузаллиги ва диний меъёрлар уйғунлиги муҳим аҳамият касб этади. Барпо этилаётган замонавий масжидлар жамият аҳолисига қулай ибодат қилишга шарт шароит яратиш билан бирга, замонавий шаҳарсозликда ҳам ўзининг архитектуравий композицион ечимлари билан шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда.

Ўрта Осиё ҳудудида масжидларнинг шаклланиши ислом динини тарқалиши билан боғлиқ бўлиб, тарихий шаҳарлар ҳудуди бўйлаб Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Қўқон каби шаҳарларда кенг тарқалган.

Араблар истило қилган ерларида дастлаб масжидлар қуришга, қадимий ибодатхоналарни масжидларга айлантиришга эътибор берганлар. Шу асосда меъморчилик ва бинокорликда жонланиш бошланган [1.98-б.].

Бугунги кунда ҳам тарихимизни ўрганган, таҳлил қилган ҳолда замонавий масжид лойиҳаларини амалга ошириш мақсад қилинган. Талабаларга билим ва кўникмаларни бериш жараёнида биз педагоглар келажак учун етук мутахассисларни тайёрлаш, жумладан масжид лойиҳаларини лойиҳалаш ва амалга ошириш жараёнида илмий изланишлар олиб боришга талабаларни жалб қилишни вазифа қилиб олинган.

II. МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Масжид лойиҳасини амалга оширишдан олдин, масжид бўйича кичик бўлсада тадқиқот олиб боирилиши зарур. Лойиҳалаш жараёнида биринчи ўринда масжид қандай бино, асосий эътибор нимага қаратилиши кераклиги, нималарни ҳисобга олиниши кераклигини англамоқ лозимдир. Ислон дунёсида замонавий масжидларга бўлган талаб катта сифимдаги масжидларни қурилиши орқали намоён бўлмоқда. “Масжид” сўзи арабча "сажда" (сажда қилмоқ) феълидан олинган бўлиб, "сажда қилинадиган жой" деган маънони англатади.

Халифалик даврида фуқаро ва дин билан боғлиқ бўлган бинолар қуриш авж олди. VII асрда масжид типи юзага келди ва ташқи кўриниши жиҳатдан мустаҳкам минорали, атрофи ғишт билан ўралган қалъани эслатади. Композицияси асоси тўртбурчак ёки квадрат шаклидаги ҳовли бўлиб, унинг атрофи эса устунли айвонлар билан ўралган. Араб мамлакатларида тўрт айвонли, марказий қуббали масжидлар ҳам мавжуд бўлган [4.228-б.].

Масжид худо уйи, муқаддас иморат сифатида улуғланган, шунинг учун масжидни қуришда тажрибали, масжид қурилишига оид тартиб, талаб қоидаларни яхши билган усталар таклиф қилинган. Масжид тарҳи узоқ йиллар давомида ўзгармасдан келган. Маҳалла масжидлари бир неча турдаги тарҳга эга бўлган. Ўзбекистонда квадрат хонақоҳ, бир томони, икки ёки уч томони айвонга эга масжид тарҳли кенг жорий этилган [2.29-б.].

Ислон тарихидаги энг биринчи ва муқаддас масжидлардан Масжидул Ҳаром (Маккадаги Каъба), масжиди Қубо, Мадинада барпо этилган Масжидун Набавий ҳақида ҳам айтиб ўтиш керак.

Масжидларнинг меъморий ва ижтимоий асоси сифатида ибодат жойи, билим маскани, ижтимоий марказ вазифасини ҳам ўтаган. Кейинчалик вақт ўтиши билан ислом санъати ва меъморчилиги дурдонасига айланди. Марказий Осиёда VIII асрдан бошлаб меъморий мактаб сифатида шаклланган ва ўзининг мовий гумбазлари, кошин нақшлари ва айвонли тарзда қурилиши билан машҳурдир.

Ислоннинг илк даврларида жума масжидлари билан бир қаторда маҳалла масжидлари, саройлар таркибидаги (уй ичидаги) масжидлар ҳам қурилган. Кейинчалик эса байрам масжидлари- намозгоҳлар, шунингдек карвонсаройлар ва мадрасалар таркибидаги масжидлар, ҳамда қабристонлардаги зиёрат (ёд этиш) масжидлари пайдо бўлган. Шулар орасида вазифаси ва меъморчилиги жиҳатидан учта асосий тур ажралиб туради: 1-маълум бир маҳалла аҳолиси учун кундалик беш вақт намоз ўқишга мўлжалланган маҳалла масжидлари; 2-жомеъ масжидлари (жума масжидлари)-шаҳар аҳолисининг жума кунги умумий ибодатлари учун; 3-байрам масжидлари-намозгоҳ (идгоҳ, мусалла) бўлиб, шаҳар ва атроф ҳудуд аҳолиси Ҳайит (Фитр ва Қурбон ҳайити) байрамларида йилига икки марта жамоавий намоз ўқиш учун мўлжалланган. Ушбу уч турдаги масжидларнинг ҳар бирига хос меъморий хусусиятлар асосан XII асрга келиб шаклланган[3.141-142-б.].

Масжидларни лойиҳалаш жараёнида биринчи ўринда жойлашуви, яъни ҳудуднинг тадқиқ қилиниши муҳим. Бунда таклиф этилаётган лойиҳа ҳақиқатдан шу жой учун долзарблигини аниқлаш ва берилаётган таклиф бош режаси тўғри ташкил қилиниши муҳим

ҳисобланади. Ташкил этишда кириш майдонлари, марказий ибодат зал биноси, аёллар учун алоҳида намоз жойи, таҳоратхона, маъмурий хоналар, кутубхона ва автотураргоҳ зоналари ўзаро қулай боғланиши эътибор билан ёндалишилиши жуда зарур ҳисобланади. Кўпгина анъанавий услубдаги масжид лойиҳаларида композицион марказ сифатида гумбаз системаси ва кириш қисмларида асосий пештоқ ечим тарзида эътибор қаратилади. Минора эса нафақат диний рамз, балки бино силуетининг вертикал доминантаси сифатида муҳим ҳисобланади. Замонавий лойиҳаларда ойнаванд тарз элементлари, металл конструкциялар, энергия тежамкор ёритиш тизимлари ва ландшафт дизайн ечимлари қўлланилиши кузатишда [6.7].

Энди эътиборимизни жаҳон масжидларининг архитектурасига қаратсак. Бу билан тарихда мавжуд бинолар лойиҳасини, архитектуравий ечимларини, композицион ташкил қилинишини ўрганиш ва таҳлиллар қилиш орқали таклиф лойиҳада бу жиҳатлар кўзда тутилиши режа қилинган. Дунёнинг энг йирик масжидларидан бири ҳисобланган Шайх Зайд жоме масжиди бўлиб, Бирлашган Араб Амирлигининг пойтахти Абу-Дабида жойлашган. Қурилиш ишлари 1996 йилда бошланиб, 12 йил давом этган. Масжиднинг расмий очилиши 2007 йилнинг Рамазон ойида бўлган. Масжид оқ мармардан бунёд этилган, сигими 41 минг намозхон учун мўлжалланган. Умумий майдони 17 минг кв. метр бўлиб, унинг 82 та гумбази ва тўрт бурчагида 104 метр баландликдаги 4 та миноралари бор. Бош гумбазининг эни 32,6 метр, баландлиги эса 85 метрни ташкил этади. 2008 йил масжид ҳузурида Шайх Зайд жоме масжиди маркази ташкил этилган. Илмий-тадқиқотлар олиб бориш, диний-маърифий журнал, газета ҳамда дарслик ва китоблар нашр этиш, аудио маҳсулотлар тайёрлаш ушбу марказнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади [6.].



1-расм. Шайх Зайд жоме масжиди.

Покистонда жойлашган дунёнинг энг йирик масжидларидан Файсал масжиди бўлиб, 1969 йилда халқаро танлов эълони асосида 43 мамлакатдан келган 17 та лойиҳадан туркиялик меъмор Ведат Далокайнинг лойиҳаси танлаб олинган. Қурилиш 1976 йилда Саудия ҳукуматининг молиявий кўмаги билан бошланган ва 1986 йилда қуриб битказилган.



2-расм. Файсал масжиди

Покистон пойтахти Исломободнинг чеккасида жойлашган Шоҳ Файсал масжиди яшил майдон ва ўрмон орасидаги чодирга ўхшайди. Ҳимолай этагидаги Маргала миллий боғи ёнида қурилган масжид анъанавий масжидлардан фарқ қилади. Бу дунёдаги энг катта масжидлардан бири бўлиб, унинг умумий майдони 5000 квадрат метр бўлиб, бир вақтнинг ўзида 100 мингдан ортиқ киши ибодат қилиши мумкин. Масжиднинг 4 та бурчагида жойлашган баландлиги 90 метр бўлган миноралар тунда шам ёруғлигини таъминлайди [7].

III. НАТИЖАЛАР


Бугунги кунда Тошкент Ким Халқаро Униерситети олийгоҳида ҳам битирувчи талабаларни диплом лойиҳаларида айнан замонавий бинолар лойиҳаларини бажаришга эътибор қаратилган. Ўрганилган масжид биноларининг архитектураси, композицион ечимлари таҳлилидан руҳланган ҳолда талабалардан Исмоил Султонов ва Моҳиржон Шоюсуповларнинг “Жоме масжид лойиҳаси” мавзусидаги диплом лойиҳаси замонавий бинолар қаторида бугунги кун талабидаги ибодат учун муҳим бўлган бино лойиҳасини доцент Ш.Бобоёрова раҳбарлигида бажаришди. Жоме масжид лойиҳасини бажариш жараёнида талабалар томонидан замонавий услубдаги масжидлар ўрганилди ва ўзларининг масжид лойиҳасига таклиф сифатида архитектуравий композицион ечимларни вариант қилиб беришган.



3-расм. Замонавий масжид таклиф лойиҳаси. (Талабалар: И.Султонов, М.Шоюсупов. Раҳбар Ш.Бобоёрова).


Лойиҳада замонавий минималистик услубдаги қулай шароитларга эга масжид лойиҳасини яратишга ҳаракат қилинган. Лойиҳа концепцияси исломий анъаналарининг энг

чукур рамзларидан бири бўлган - ҳилол шакли асосида ишлаб чиқилган. Ҳилол - янги давр, руҳий тозаланиш ва нурли йўл рамзини билдиради. Бу рамзий ёндашув орқали масжид нафақат ибодат жойи, балки ички осойишталик ва жамият билан уйғунликда чорловчи нурли муҳит сифатида шакллантирилган. Материал танловида замонавийлик инобатга олган ҳолда кулранг базалт тошдан фойдаланилган. У барқарорлик ва салобатни ифодалайди. Оқ рангдаги ички муҳит эса поклик ва руҳий енгилликни таъминлайди.



4-расм. Замонавий масжид бош тарх таклиф лойиҳаси. (Талабалар: И.Султонов, М.Шоюсупов. Раҳбар Ш.Бобоёрова).

Лойиҳа ҳудудида алоҳида таҳорат биноси жойлаштирилган ҳамда 2 ҳудудга ажратилган. 1-ҳудудда покланиш, 2-ҳудудда эса хожатхоналар жойлаштирилган ҳамда атрофда яшовчи аҳолининг диний тарафдан инсонлар илмини ошириш мақсадида аёллар ва эркаклар учун ўқув биноси жойлаштирилган. Бу бинода аёллар учун алоҳида эркаклар учун алоҳида ҳудудга бўлинган бўлиб, улар бир бирига ҳалакит бермаслиги назарда тутилиб лойиҳаланган. Ўқув жараёнида инсонлар диний илм олишлари ҳамда араб тилини ўрганишлари учун мўлжалланган. Аёллар учун алоҳида таҳоратхона лойиҳалаштириб кетилган.



5-расм. Замонавий масжид тархи таклиф лойиҳаси. (Талабалар: И.Султонов, М.Шоюсупов. Раҳбар Ш.Бобоёрова).



6-расм. Замонавий масжид таклиф лойиҳаси. (Талабалар: И.Султонов, М.Шоюсупов. Раҳбар Ш.Бобоёрова).

IV. МУҲОКАМА

Талабалар раҳбар тавсиясига кўра бинони лойиҳалашда янги ёндошувлар ва инновацион технологиялар қўллашга ҳаракат қилишган. Масжид биносининг ҳажмий-тархий ечимлари бўйича функцияга мос таклифлар берилган. Бино лойиҳасида тархий ечимлар, тарзлар, жойлашув бўйича бош тарх, умумий кўриниш ва ички муҳит бўйича бир қанча интерьерлар таклифи берилган. Бу лойиҳада кўзда тутилган таҳоратхона лойиҳасида бошқа масжид мажмуалари сингари барча қулайликларга эга, замонавий ускуналар билан жиҳозланиши кўзда тутилган.

Яна бир фикрни таъкидлаш жойизки, бошқа масжидлардан фарқлилик жиҳати бу мажмуада ўқув курслари учун бино ажратилган. Бу бинода нафақат еркаклар, ўғил болалар, балки, аёллар ва қизлар ҳам диний илм, таълим олишлари ҳам мумкин. Лойиҳада айнан араб, форс тилларини ўрганиш, қуръон сабоқларини ўрганиш, илмий қуломалар билан ишлаш учун ёшларни жалб қилиш бўйича шарт-шароитлар, замонавий ускуналар билан таъминланган бино кўзда тутилганлиги бу назарий ва илмий аҳамиятга эгадир.

Таклиф этилган лойиҳа натижасининг амалий аҳамияти Тошкент вилояти Зангиота тумани маҳалласи учун мўлжалланганлиги, бу ҳудудда замонавий масжид муҳимлигининг долзарблиги ҳам шундаки, ҳудуд аҳолиси учун мавжуд масжидлар маҳалладан узоқроқлиги сабаб инсонлар учун ноқулайликлар яратади. Шу сабабли замонавий кўринишдаги, барча қулайликларга эгаллиги ва энергия самарадор бино сифатида аҳоли учун катта фойда келтиради деган фикрни келтира оламиз.

V. ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда масжид архитектурасига хос жиҳатлар, жумладан, мазкур лойиҳада замонавийликни берувчи диний иншоот бўлиб, вазифасига кўра нафақат катта ёшлилар балки ёшларни ҳам ибодатга жалб этиш, уларни диний илм олишга қизиқтириш мақсадида лойиҳаланди ҳамда шаҳар аҳолисига замоний масжид сифатида хизмат қилади. Таклиф этилаётган ҳудудда ўтказилган тадқиқ ва таҳлилларга кўра шаҳар аҳолисига жаҳон стандартларига мос келувчи жоме масжиди керак эканлиги ўрганиб чиқилди ҳамда аҳоли учун хизмат қилувчи барча қулайликларга эга жоме масжиди таклиф лойиҳаси ишлаб чиқилиб амалий тавсия сифатида таклиф берилди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Вахитов М.М., Мирзаев Ш.Р. Меъморчилик. I қисм. Меъморчилик тарихи. Т.: 2010 й. 98-б.
2. Нозилов Д.А. Ўрта Осиё меъморлигида одатлар, қоидалар ва рамзий ифодалар. Т.: 2011 й. 29-б.

3. Юсупова М. Бухарская школа зодчества XV-XVII вв. Монография Т.: 2022 й. 141-142-б.
4. Абдуллаев Ш. Архитектура тарихи. Ўқув қўлланма. Т.: 2018 й. 228-б.
5. Абдуллаев Ш. Санъат тарихи. Ўқув қўлланма. Т.: 2006 й.

Интернет маълумотлари

6. <https://muslim.uz>
7. <https://islom.uz>